

Аҳолини стоматологик касалланиши ва уни ўрганиш усуллари

**Касалланиш деганда - аҳоли
орасида ёки унинг айрим
гуруҳлари ичида тарқалган
касалликлар тушунилади.**


- ❖ Касалланиш аҳоли саломатлик ҳолатини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади;
- ❖ Касалланишлар соғлиқни сақлаш муассасалари иш фаолиятининг сифати ва самарасини кўрсатувчи асосий мезон
- ❖ Касалланишларни ўрганиш ва уни камайтириш соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиология, ДПМларнинг ва барча врач мутахасисларнинг бош вазифаси ҳисобланади;
- ❖ Касалликлар динамикасини ўрганиш натижасида аҳоли орасидаги патологик жараёнларнинг ўзгариши ҳақида маълумотга эга бўлинади;

Патологиялар типлари

Эпидемик тип

Соғлиқни сақлаш ва экономикаси ривожланмаган давлатлар учун характерли

Инфекцион ва паразитар касалликлар кўп тарқалган.



Ноэпидемик тип

Иқтисодиёти ривожланган давлатлар учун характерли

ноинфекцион , соматик, дегенератив касалликлар кўп тарқалган.



(Двойное бремя болезней)

Стабил бўлмаган сиёсий вазиятлар кузатилаётган давлатларга характерли

Инфекцион ва соматик касалликлар ошиши кузатилади

Касалланиш

**Бирламчи
касалланиш**

**Умумий
касалланиш**

**Тиббий кўриклар
натijasида
аниқланган
касалланишлар
*патологик
зарарланиш***



Касалланишни ўрганиш усуллари

Аҳоли касалланиши 3 хил усул ёрдамида ўрганилади:

- ❖ тиббий муассасага мурожаатига кўра,
- ❖ тиббий кўриклар натижасига кўра
- ❖ ўлим сабаблари асосида

ЎзР ССВ ва Саломатлик институти ва тиббий статистика томонидан тасдиқланган ҳисобга олиш ҳужжатлари бўйича.

Умумий касалланиш

Сурункали касалликлар йилда бир марта беморнинг биринчи мурожаатида ҳисобга олинади. Жорий йилда сурункали касаллик билан қайта мурожаат этганда, бу касаллик рўйхатга олинмайди.

Ўткир касалликлар йилда неча марта аниқланишидан қатъий назар беморларнинг ҳар бир мурожаатида рўйхатга олинади. Шу сабабли йил давомида битта одамда бир неча ўткир касалликлар рўйхатга олиниши мумкин.

Ҳар бир мурожаат этганда “Якуний ташҳисларнинг статистик талони” (ф-025-2/х) тўлдирилади. Бунда барча янги касалликларга “+”, сурункали касалликлар эса “-” белгиси билан белгиланади.

Ноэпидемик касалланишлар

Ноэпидемик касалланишни ўрганиш манбаи бўлиб 089/х, 090/х, 092/х – шакллари ҳаётда биринчи бор ёмон сифатли ўсмалар ташҳиси қўйилган беморлар тўғрисидаги хабарнома хизмат қилади. Бу шошилинич хабарномалар ҳар бир аниқланган касалликка тўлдирилади.

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН КАСАЛЛАНИШ

Юқумли касалликларни ўрганиш манбаи бўлиб 058/х шаклдаги “шошилиш хабарнома” хизмат қилади.

Аниқланган юқумли касаллик тўғрисида хабар бериш йўллари бўйича юқумли касалликлар 4 гуруҳга бўлинади:

1. Ўта хавфли юқумли касалликлар (вирусли гемorraгик лихорадка, сибирская язва ва) Ҳар бир касаллик ва касал ҳақида махсус ахборот бериладиган касалликлар
2. карантинли юқумли касалликлар (вабо, ўлат, сариқ лихорадка)
3. ДСЭНМдан ташқари ихтисослаштирилган муассасаларга хабар берилувчи юқумли касалликлар (захм, сўзак...)
4. йиғма равишда маълумот берилувчи юқумли касалликлар (ЎРВИ, грипп)

Юқумли касалликлар

Ўта хавфли юқумли касалликларга шошилиш хабарнома касаллик аниқланган захоти зудлик билан тўлдирилиб, 12 соат мобайнида ДСЭНМ га берилиши лозим.

Карантин касалликлар бўйича шошилиш хабарнома ДСЭНМга аниқлангандан сўнг 24 соат ичида юборилиши лозим.

Учинчи гуруҳ бўйича шошилиш хабарнома ДСЭНМ ва ихтисослаштирилган ДПМларига аниқлангандан сўнг 24 соат ичида юборилиши керак.

Тўртинчи гуруҳ бўйича эса шошилиш хабарномалар тўлдирилмайди ва ҳар ойда бир марта ДСЭНМга жамланган маълумотлар ҳисобот тариқасида берилади.

Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан кечадиган касалланиш

Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан кечадиган касалликлар фақат ишловчи аҳоли орасида ўрганилади. Уларнинг алоҳида гуруҳга ажратилишининг сабаби, улар нафақат аҳоли саломатлигига таъсир этади, балки иқтисодий томондан ҳам катта зарар келтиради. Бу касалликлар гуруҳини ўрганишда вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш варақаси (касаллик варақаси) манба бўлиб хизмат қилади.

Тиббий кўриклар натижасида аниқланадиган касалликлар

Тиббий кўриклар турлари:

1. Дастлабки
2. Даврий
3. Мақсадли

Ҳар бир тиббий кўриктан ўтганга диспансер кузатувининг назорат картаси ф-030/х тўлдирилади.

Шифохонада ётганларнинг касалланиши

Шифохонадаги ўринлар сонини, мутахасислар сонини аниқлашда ва айрим ихтисослашган касалхоналарни ташкил этишни режалаштиришда шифохонада даволанганлар сони билан бир қаторда уларнинг касалланиш кўрсаткичлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Муқим шифохоналарда олинган маълумотларга асосланиб қуйидаги қўшимча кўрсаткичларни аниқлашимиз мумкин:

1. Ташҳис кўплиги, уларнинг характери, асосий касалликлар, қўшимча касалликлар, уларнинг асорати
2. Врач қўйган ташҳиснинг сифати, уларнинг поликлиника ташҳислари ва ўлим юз берганда патологоанатомик ташҳислар билан мослиги.

Шифохонада ётганларнинг касалланиши

3. Ҳар хил касалликлар бўйича беморларнинг шифохоналарда даволаниш муддати
4. Маълум касалликлар бўйича ўз вақтида касалхонага ётқизилганлиги
5. Шифохонада ётган беморларнинг ёш, жинс, касб, клиник бўлимлар бўйича структураси
6. Ҳар хил даволаш усуллариининг самарадорлиги
7. Касалхонада даволанишларнинг оқибати – соғайиш, қисман соғайиш, ёмонлашиш, ўлим ҳолатлари.
8. Бир йил давомида маълум бир касаллик билан такрор ётқизишлар сони.

Халқаро касалликлар таснифи

10 – қайта кўриб чиқилган ХКТ “Халқаро касалликлар таснифи ва соғлик билан боғлиқ муаммолар” деб аталади. ХКТ – 10 1989 йилда қайта кўриб чиқилди, 1993 йил Жахон соғлиқни сақлаш Ассамблеяси сессиясида қабул қилинди. ЎзР ССВ нинг 2003 йил 31 сонли буйруғига кўра, ХКТ – 10 бизнинг республикада амалга киритиш бўйича тартиб ва чора-тадбирлар белгиланган. Ўзбек тилидаги нашри 2004 йил биринчи бор чоп этилди.


ХКТ – 10 Структураси



- Синфлар 21
- Блоклар 258
- 3 та белгили рунклар
2600
- 4 та белгили рунклар
26000
- Подклассификации

- I. Баъзи инфекцион ва паразитар касалликлар**
- II. ўсмалар**
- III. Қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари**
- IV. Эндокрин тизими касалликлари, овқатланиш тартибсизлиги ва моддалар алмашинуви бузилишлари**
- V. Рухий бузилишлар ва хулқ-атвор бузилишлари**
- VI. Асаб тизими касалликлари**
- VII. Кўз ва унинг қўшимча аппарати касалликлари**
- VIII. Қулоқ ва сўрғичсимон ўсиқ касалликлари**
- IX. Қон айланиш тизими касалликлари**
- X. Нафас олиш тизими касалликлари**
- XI. Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари**
- XII. Тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари**
- XIII. Суяк-мушак тизими ва қўшувчи тўқима касалликлари**
- XIV. Сийдик ажратиш тизими касалликлари**
- XV. Ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги давр**
- XVI. Перинатал даврла юзага келадиган баъзи ҳолатлар**
- XVII. Туғма аномалиялар (ривожланиш нуқсонлари), деформациялар ва хромосома бузилишлари**
- XVIII. Бошқа рунларда тавсифланмаган клиник ва лаборатор текширувларда аниқланмаган, симптомлар, белги, меъёрдан четга чиқишлар**
- XIX. Ташқи сабаблар таъсирининг жароҳатлари, захарланишлар ва айрим бошқа оқибатлар**
- XX. Касалланиш ва ўлимнинг ташқи сабаблари**
- XXI. Саломатлик ҳолатига таъсир қилувчи омиллар ва соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш.**

Ўзбекистонда бирламчи касалланиш даражаси (100 000 аҳолига)



ДПМда рўйхатга олинган умумий касалланиш

| Вилоятлар | Жами рўйхатга олинган касалланишлар 100000 та аҳолига | | | |
|--------------------------------|--|------------------------|--------------------------|----------|
| | 2013 йил | | | |
| | Жами | Болалар (14 ёшгача) | Ўсмирлар (15 - 17 ёш) | Катталар |
| Ташкент ш | 130034,5 | 165708,4 | 194368,9 | 105180,3 |
| Қарақалпақстан Республикаси | 96494,5 | 104372,7 | 100917,5 | 81710,4 |
| Ўзбекистан Республикаси | 89468,8 | 95234,5 | 104027,8 | 75803,9 |


Ўлим сабаблар асосида касалланишни ўрганиш.

- Касалланишни ушбу тури бўйича ўрганиш манбаларига киради: « Ўлганлиги тўғрисида врачлик гувоҳномаси» Ф №106/х, « Перинатал ўлим тўғрисида врачлик гувоҳномаси» Ф №106 – 4.

Ўзбекистонда бирламчи касалланиш структураси.



Умумий касалланиш структураси.



■ Б-ни қони

■ Б-ни орг. Пищеварения

■ Б-ни МПС


■ Прочие

■ Б-ни орг. Дыхания


■ Б-ни эдокрин. Системы

■ Б-ни систмы кровообращения

Ногиронлик сабаблари (%) .



Ўлим сабаблари бўйича нозологик структура (%)



Стоматологик касалланиш

- карлес ва бошқа стоматологик касалликлар **тарқалганлиги** – бу касаллик аниқланганларни умумий текширилганларга % лардаги нисбати.

Стоматологик касалликлар **интенсивлиги** – аниқ битта беморга ёки ўртача ўрганилаётган гуруҳлар учун хисобланган битта ёки бир нечта зарарланиш белгиларини миқдорий кўриниши

Стоматологик касалланиш

Оғиз бўшлиғини гигиеник ҳолатини баҳолаш учун қуйидаги индекслар қўлланилади:

1. **Оғиз бўшлиғи гигиенаси** (индекслар Э,М. Кузьмина; Федорова- Володкина; ва бошқ.)
2. **Кариес** (КПО).
3. **Пародонт касалликлари** (индекслар РМА, СРІТN и СРІ, Loe - Silness)

Аҳолини стоматологик статуси индикатори қили турли мамлакатларда қуйидаги индекслар КПО(з) ва КПО (п)

- **КПО (з) Индекси** – бу битта текширилган беморда кариес (К), пломбаланган (П) ва суғуриб ташланган тишлар суммаси.
- **КПО (п) Индекси** – бу битта беморда пломбаланган ва кариес билан ташҳисланган барча тиш юзалари суммаси, бунда суғуриб ташланган тиш 4 ёки 5 га тенг .
Кариеснинг эрта шакллари, оқ ёки пигментланган доғлар ҳисобга олинмайди.

Масалан:

12 ёшли болани текширганда 2 та тишида вестибуляр юзасида даволанмаган кариес, 1 та тиши контакт ва чайнаш юзасида пломба билан ва 1 та тиш олинган (55)

- **Индекс КПУ (з) = 2+1+1= 4**

Турли регионларда тиш кариесини интенсивлигини таққослаш учун КПО ни ўртача индексдан фойдаланилади ЖССТ томонидан иккита асосий гуруҳ 12 ёш ва 35- 44ёшли инсонларда

| Интенсивлик даражаси | КПО 12 ёш | КПО 35-44 ёш |
|----------------------|---------------|----------------|
| Жуда паст | 0-1,1 | 0,2-1,5 |
| паст | 1,2-2,6 | 1,6-6,2 |
| ўртача | 2,7-4,4 | 6,3-12,7 |
| юқори | 4,5-6,5 | 12,8-16,2 |
| Жуда юқори | 6,6 дан юқори | 16,3 дан юқори |

Кариес тишлар тарқалганлиги – бу тиш кариесини битта белгисига бўлса ҳам эга бўлган шахслар миқдorigа нисбати (Кариес, пломбаланган ёки олиб ташланган тишлар) умумий текширилганларга нисбати фоизларда.
Масалан: 120 киши текширилганда 60 тасида кариес, пломбаланган, суғуриб ташланган тишлар аниқланган

$$\text{Тарқалганлик} = 60 * 100 / 120 = 50\%$$

Тиш кариесини тарқалганлигини баҳолаш даражалари

| даражаси | ЖССТ 12ёш учун | РОССИЯ % | даражаси |
|----------|-------------------|----------------|----------|
| ПАСТ | 0-30 | 50-70 | ЮҚОРИ |
| ЎРТАЧА | 31-80 | 70-90 | ОММАВИЙ |
| ЮҚОРИ | 81-100 | 90дан юқори | ЁППАСИГА |

